


## XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи<sup>1)</sup> 2021 йил март ойида 2 807,5 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 6,7 фоизга ўсди.

Январь – март ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан энг юқори ўсиши иқтисодий фаолият турларининг қурилиш соҳасида (130,0 фоизга), ташиш ва сақлаш (123,5 фоизга), савдо соҳасида (112,1 фоизга) қузатилди.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдори иқтисодий фаолият турларининг банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида 5 206,7 минг сўм (вилоят бўйича ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 2,0 марта кўп), ташиш ва сақлашда 4 163,1 минг сўм (159,6 фоизга), саноатда 3 101,9 минг сўм (118,9 фоизга), қурилиш соҳасида 3 075,8 минг сўм (117,9 фоизга) қузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик  
номинал ҳисобланган иш ҳақи  
(2021 йил январь-март)**



<sup>1)</sup> Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача  
ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

*(минг сўм)*

	<b>Январь-март</b>		<b>Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, фоиз</b>	
	<b>2020 йил</b>	<b>2021 йил</b>	<b>2020 йил</b>	<b>2021 йил</b>
<b>Жами вилоят бўйича</b>	<b>2 404,1</b>	<b>2 609,1</b>	<b>х</b>	<b>х</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	3 249,0	3 101,9	135,1	118,9
Қурилиш	2 365,6	3 075,8	98,4	117,9
Савдо	1 851,7	2 075,6	77,0	79,6
Ташиш ва сақлаш	3 369,7	4 163,1	140,2	159,6
Ахборот ва алоқа	2 458,8	2 446,0	102,3	93,7
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	4 973,1	5 206,7	2,1 м.	199,6
Таълим	2 078,3	2 138,9	86,4	82,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2 043,1	2 219,5	85,0	85,1
Бошқа фаолият турлари	2 116,6	2 457,8	88,0	94,2



**Таълим соҳасида** ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 138,9 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 102,9 фоизга ўсди.

Таълим соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини Вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори, Бухоро шаҳрида 2 838,7 минг

сўмни вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 132,7 фоиз), Қоровулбозор туманида 2 605,2 минг сўмни (121,8 фоиз) ва Когон туманида 2 474,4 минг сўмни (115,7 фоиз) ташкил этган бўлса, Шофиркон туманида 1 575,6 минг сўмни (73,7 фоиз), Вобкент туманида 1 666,4 минг сўмни (77,9 фоиз), Пешкў туманида 1 740,7 минг сўмни (81,4 фоиз) ташкил этиб, бошқа худудларға нисбатан кам миқдорға эға бўлмоқда.



**Саноат соҳасида** ишловчиларға ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3 101,9 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос давриға нисбатан 95,5 фоизға камайди.

**Саноат соҳасидаги** ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Қоровулбозор туманида 5 067,4 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 163,4 фоиз), Пешкў туманида 3 864,9 минг сўмни (124,6 фоиз), ташкил этган бўлса, Жондор туманида 1 506,4 минг сўмни (48,6 фоиз) ва Когон туманида 1 521,8 минг сўмни (49,1 фоиз) ташкил этиб, бошқа худудларға нисбатан кам миқдорға эға бўлмоқда.



**Қурилиш соҳасида** ишловчиларға ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3 075,8 минг сўмни, 2020 йилнинг мос давриға нисбатан 130,0 фоизни ташкил этди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Олот туманида 3 913,1 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 127,2 фоиз), Қоровулбозор туманида 3 313,0 минг сўмни (107,7 фоиз), Когон шаҳрида 3 266,3 минг сўмни (106,2 фоиз) бўлса, Қоракўл туманида 2 125,8 минг сўмни (69,1 фоиз), Ромитан тумани 2 291,7 минг сўмни (74,5 фоиз), Бухоро шаҳар 2 453,8 минг сўмни (79,8 фоиз) ташкил этиб, бошқа худудларға нисбатан кам миқдорға эға бўлмоқда.



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида** ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 219,5 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 108,6 фоизга ўсди.

Мазкур соҳалардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Жондор туманида 2 635,9 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 118,8 фоиз), Пешку туманида 2 573,3 минг сўмни (115,9 фоиз), Қоровулбозор туманида 2 561,6 минг сўмни (115,4 фоиз) ташкил этган бўлса, Когон туманида 1 907,1 минг сўмни (85,9 фоиз), Олот туманида 1 924,8 минг сўмни (86,7 фоиз), Бухоро шаҳрида 2 111,5 минг сўмни (95,1 фоиз), ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.



**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида** ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5 206,7 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 104,7 фоизга ўсди.



Ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, энг юқори миқдори Бухоро туманида 6 745,4 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 129,6 фоиз), Олот туманида 6 350,3 минг сўмни (122,0 фоиз), Когон шаҳрида 5 903,0 минг сўмни (113,4 фоиз) этган бўлса, Жондор туманида 1 962,2 минг сўмни (37,7 фоиз), Пешку туманида 2 730,9 минг сўмни (52,4 фоиз), Қоровулбозор туманида 3 214,8 минг сўмни (61,7 фоиз), ташкил этиб бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Ўртача ойлик иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Вобкент (1 788,8 минг сўм) ва Шофиркон (1 845,8 минг сўм) туманларида кузатилди. Бу туманларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан мос равишда кам бўлган.

**Бухоро вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**

(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

*(минг сўм)*

	<i>Январь- март</i>		<i>Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, фоиз</i>	
	<i>2020 йил</i>	<i>2021 йил</i>	<i>2020 йил</i>	<i>2021 йил</i>
<b>Бухоро вилояти</b>	<b>2 404,1</b>	<b>2 609,1</b>	<b>х</b>	<b>х</b>
Бухоро ш.	2 516,8	2 812,3	104,7	107,8
Когон ш.	3 232,9	3 899,1	134,5	149,4
<i>туманлар</i>				
Бухоро	2 108,1	2 392,8	87,7	91,7
Вобкент	1 807,7	1 788,8	75,2	68,6
Жондор	1 911,4	2 214,0	79,5	84,9
Когон	2 215,5	2 421,0	92,2	92,8
Олот	2 032,0	2 158,4	84,5	82,7
Пешкў	1 881,7	1 920,8	78,3	73,6
Ромитан	2 289,2	2 438,8	95,2	93,5
Шофиркон	2 067,0	1 845,8	86,0	70,7
Қоракўл	1 976,4	1 919,9	82,2	73,6
Қоровулбозор	3 685,6	3 894,5	153,3	149,3
Ғиждувон	1 992,8	2 122,5	82,9	81,3